



АЁЛЛАР ТОМОНИДАН ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Миршаева Камола Олимовна

Судьялар олий мактаби таянч докторанти

ORCID ID: 0000-0002-5528-0113

Email: kamola.mirshaeva@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7148053>

ARTICLE INFO

Received: 30th September 2022

Accepted: 03rd October 2022

Online: 05th October 2022

KEY WORDS

зўрлик, аёллар жинояти, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши, одам ўлдириш, зўрлик ишлатиш.

ABSTRACT

мазкур мақолада муаллиф аёллар томонидан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ва уларнинг ривожланишининг тенденциялари бўйича хорижий давлатлар тажрибаси, ушбу соҳада хорижий давлатларда ўтказилган тадқиқотлар ва мавжуд доктринал қарашлар таҳлили ўтказилган.

Муаллиф томонидан аёллар томонидан содир этилган жиноятларни умумий статистик таҳлили асосида хорижий давлатларда қўрилган криминалогик чора-тадбирлар таҳлили асосида миллий қонунчиликка таклифлар ишлаб чиқилган.

Хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг турларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши – оиладаги жиноятларнинг турларидан бири. Бироқ у одам ўлдиришнинг бошқа турларидан ўзига хослиги ва жиноят таркибининг хусусиятлари билан ажралиб туради.

Криминофамилистикада сўзнинг кенг маъносидagi ўз чақалоғини ўлдириш деганда ота ёки она ёхуд уларнинг иккаласи биргаликда ўз фарзандини ёки улардан бири иккинчисининг фарзандини ўлдириши тушунилади. Хусусан, жиноят қонунида ва суд тиббиётида қўлланиладиган тор маънодаги фарзандкушлик онанинг янги туғилган чақалоғини туғруқ пайтида ёки бевосита туғруқдан кейин ўлдиришини англатади.

Ўз чақалоғини ўлдириш нафақат турли тарихий даврларда, балки бир даврнинг ўзида ҳар хил баҳоланган жиноятлардан биридир. Бу жамият ривожланишининг турли босқичларида ушбу қилмишнинг аҳамияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига муносабат ҳар хил бўлганлиги билан изоҳланади.

Ю.М.Антонян ўз боласини ўлдирган аёлга анча тўлиқ тавсиф берган. Ўзининг янги туғилган чақалоғини ўлдирган аёллар орасида турмуш қурганлар жуда оз. Уларнинг аксарияти одатда малака ва маълумот даражаси паст бўлган сўққабош аёллардир. Ўлдирилган бола кўпинча биринчи муваффақиятсиз сексуал тажриба билан боғлиқ бўлади. Уларнинг кўпчилиги ота-онали бўлиб, айнан ота-онасининг салбий муносабатидан қўрқиш улар ўз чақалоқларини ўлдиришига туртки беради.



В.Н.Кудрявцев, В.Е.Эминов ўз боласини ўлдирган оналарни тавсифлаб, шундай деб ёзади: “Одатда, бундай қилмишларни жамиятга яхши мослашмаган, оиласиз, уйсиз, моддий жиҳатдан таъминланмаган ёш аёллар содир этади. Айрим ҳолларда бундай жиноятлар ортида эркак туради, яъни бу хавфли жиноятлар эркак, аксарият ҳолларда аёлнинг жазмани ёки ўйнашининг розилиги ёки турткиси билан содир этилади”.

Айрим аёллар туғруқ пайтида ёки ундан кейин маълум вақт мобайнида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунмайдиган ва уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлади. Аёлнинг мазкур руҳий ҳолати бошқа омиллар билан жамулжам ҳолда жиноятга сабаб бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳолат замирида руҳий касаллик ётмайди, акс ҳолда аёл жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмас эди.

Умуман олганда, фарзандкушлик замирида ҳодисалар бир неча гуруҳининг ўзаро таъсири ётади.

Биринчи – аёл ҳаётида жиноят содир этишдан олдинги вазият. У ҳар хил бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда у аёл ўз чақалоғини ўлдиришига сабаб бўлади, айрим ҳолларда эса бундай ҳолат юз бермайди. Ю.М.Антонян айрим бўлажак жиноятчи аёллар бир қарашда яхши оилада тарбиялангани, ота-онаси уларга яхши муносабатда бўлганлигини қайд этади.

Иккинчи – шахснинг ижтимоий хусусиятлари, манфаатдор шахсларнинг гапига кирмаслик қобилияти.

Учинчи – аёлнинг биологик, психологик хусусиятлари, хулқ-атвори. Одатда, аёллар ўта таъсирчан, ҳис-туйғуларга бой бўлади. Бу беқарор руҳий

жараёнлар туғруқ жараёнида сезиларли даражада кучаяди. Бундан ташқари, аёлларда неврозлар ва психопатиялар даражаси ҳам анча юқори бўлади. Буларнинг барча биргаликда онанинг ўз чақалоғини ўлдиришига сабаб бўлиши мумкин.

Аёлнинг боладан қутулиш нияти уни қасддан ўлдириш жиноятига айланишига имконият яратувчи бир қанча субъектив ва объектив омиллар мавжуд. Булар:

- никоҳсиз бола туққани учун атрофдагиларнинг қоралашидан кўрқиш ҳамда уялиш;
- боланинг отаси, ўз қариндошлари ёки бошқа шахслар онани ўз чақалоғини ўлдиришга оғдириши;
- ота-онасининг салбий муносабатидан кўрқиш;
- жиноий ҳомила тушириш билан шуғулланувчи шахсларнинг оғдириши;
- ҳомиладорликнинг олдини олиш, ҳомилани даволаш муас-сасаларида тушириш имкониятига доир махсус тиббий билим-ларнинг йўқлиги;
- сўққабош она болани тарбиялашда моддий ва маънавий қийинчиликларга дуч келишини тушуниш, ҳомиладор аёллар ва сўққабош оналарга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши ҳақида зарур ҳуқуқий билимларнинг йўқлиги ва ҳ.к.

Янги туққан аёлларнинг руҳий-жисмоний хусусиятларини аниқлаш онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришига имконият яратувчи омилларни аниқлаш, объектив жазо чорасини танлаш, бу салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини енгиллаштириш чораларини кўришга ёрдам беради.



Буюк Британия аёллар порнографиясига қарши фаол кураш олиб бормоқда. Мамлакат расмийлари порнография оқимини қаттиқ назорат қилади, филтрлайди ва ўзига хос тўсиқ қўяди. Аёлларнинг бундай ноқонуний хатти-ҳаракати паст ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан боғлиқ [1].

Швеция ва Бельгияда оила институтига катта аҳамият берилади. Ижтимоий сиёсат аёллар ва болаларни турли омиллардан ҳимоя қилади. Қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёлларга манзилли ёрдам кўрсатиш учун кўплаб марказлар ташкил этилган бўлиб, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқ-атворнинг ҳуқуқий нормаларини шакллантириш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига чек қўйишга қаратилган профилактика ишлари олиб борилмоқда. Психологлар марказдан чиққандан кейин ҳам аёлларга ёрдам беришади, уларни кузатиб боришади ва қўллаб-қувватлашади [2].

Канадада аёллар жамоат ишларида фаол иштирок этиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам беришади. Фуқаролар полиция билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш орқали жиноятчилар кўрқувини камайтиради ва шахсий хавфсизлик ҳиссини сақлайди [3].

Хотин-қизлар ўртасида зўравонлик жиноятларининг олдини олиш бўйича хорижий тажриба махсус адабиётларда тегишли доктринал асосга эга. Хорижий ва миллий манбаларга мурожаат қилиш аёлларга нисбатан зўравонликка қарши кураш чораларини таклиф қилиш имконини беради.

Хотин-қизлар ўртасида замонавий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилишининг самарали олдини олиш мақсадида аёллар учун дастур бўйича тўлиқ

психологик портерни шакллантириш масалаларини бошлаш керак, аммо жиноятчи аёлнинг потенциал жинояти, шахслар жамиятининг маълум бир психологик доирасига, зўравон жиноят дастурларини аниқлашнинг олдини олишга ёрдам берадиган бир қатор чора-тадбирлар, бу эътиборни узоқ муддатли муаммолар билан боғлаши керак. Жиноятчига мисол қилиб жазолаш.

Канадада, кўп жиҳатдан, аёлларнинг жиноятларини умумижтимоий, индивидуал олдини олишни амалга ошириш барча фуқароларнинг ёрдами бўйича бошидан бу ҳужжатлар тўплами томонидан жорий қилиниши керак, муаммолар, шу жумладан қайғули демографик, асосий психологик, иқтисодий органлари, Лавриненко асосли жиноий ишлар ва ташвишли жиноятлар бўйича аёлларнинг кўрсатмаларини ҳал қилиш элементларига асосланган жиддий ҳуқуқий маълумотлар беради. Шубҳасиз, жамиятлар ўз чора-тадбирлари бўйича эркинликнинг олдини олиш учун жуда кўп жиноят ресурсларини сарфламоқда [4].

Бундай самарали дастурлар жуда ачинарли, умумлаштириб, улар Америка Қўшма Штатларининг инсоният хусусиятларида фаол қўлланилади, чунки Россиянинг тўғри вакиллари кўплаб гиёҳванд марказларида мавжуд бўлиб, зўравон аёлларни аниқлашга ёрдам беради. энг қийин ҳаётий салбий ҳолатлар, қарама-қарши кўрсатиш қонуний бўлиши керак ва психологик ёрдам стандарти берилади. Тўқнашувлар, шубҳасиз, ҳар бир алоҳида аёлга ғамхўрлик кўрсатиши, аёлларнинг ҳаётини олдини олишга



эътибор қаратишда жиноятчиликнинг олдини олишга ижобий таъсир қилади [5].

Кўпгина хорижий давлатлар Жиноят қонунчилигида оилада аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Польша Республикаси ЖКнинг 153, 156-моддаларида, Швейцария Жиноят кодексининг “Алоҳида таърифлар” номли 2-китобининг, “Ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноий қилмишлар”, деб номланган биринчи бўлимида, Швейцария ЖКнинг “Зўрликни тасвирлаш” номли 135-моддасини жиноий зўрликни олдини олувчи моддасида, АҚШ жиноят қонунчилигида соғлиққа қарши жиноятлар тизимида, Испания Жиноят кодексининг “Жиноят ва жазо” номли 2-китобининг 153-моддасида, Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг “Тана дахлсизлигига қарши жазоланадиган қилмишлар” номли 17-бўлимида оилада шахсга қарши қаратилган жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

МДҲ ва ривожланган хорижий давлатларда оилада қийнаш ҳолатлари ҳам кўплаб учраб, бундай ҳолатлар учун жиноят қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатадики, қийнаш жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган масалалар учта шаклда ифодаланган.

Жумладан, биринчи шаклда қийнаш жинояти шахсга қарши қаратилган жиноятларга кириб, бунда қийнаш жинояти учун жавобгарлик масаласи ҳал этилаётганда жабрланувчининг фаоллигига унча эътибор қаратилмаган;

Иккинчи шаклида, қийнаш жинояти учун жавобгарлик масаласи фақат жабрланувчи ҳаракатлари билан боғлиқ бўлиб, шахсга қарши қаратилган жиноятлардан алоҳида таркибли жиноят сифатида ажратилган.

Учинчи шаклида эса, қийнаш жинояти учун жазо тайинлашнинг характерли жиҳати шундаки, унда жабрланувчи билан айбланувчи ўртасидаги муносабат муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шахсга қарши қаратилган жиноятларни квалификация қилишда муҳим белги ҳисобланган.

Қийнаш жиноятининг шахсга қарши қаратилган жиноятлардан алоҳида таркибли жиноят сифатида ажратилган давлатлар қаторига Франция, Дания, Турция давлатлар жиноят қонунчилигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, аксарият МДҲ давлатлари жиноят қонунларида қийнаш ва дўппослаш учун жиноий жавобгарлик алоҳида моддаларда баён қилинганини кўриш мумкин. Масалан, Озарбайжон ЖК 132 ва 133-моддаларида, Арманистон ЖК 118 ва 119-моддаларида, Қирғизистон ЖК 110 ва 111-моддаларида, РФ ЖК 116 ва 117-моддаларида, Тожикистон ЖК 116 ва 117-моддаларида, Туркменистон ЖК 112 ва 113-моддаларида, Украина ЖК 126 ва 127-моддаларида дўппослаш ва қийнаш ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик ажратиб берилган. Фақат Ўзбекистон (110-моддаси), Молдова (ЖК 154-моддаси) ва Белорус (ЖК 154-моддаси) Республикаларида бу икки хил қилмишлар бир моддада бирлаштириб баён қилинган. Бу икки хилдаги қилмишлар учун жавобгарликни ажратиб баён қилишда юқорида қайд этилган давлатлар қилмишларнинг



ижтимоий хавфлилиги бир хилда эмас, дўппослашга нисбатан қийнашнинг ижтимоий хавфлилиги юқори, деган хулосага келганликларини кўриш мумкин. Ўша давлатларнинг жиноят қонунлари санкцияларида дўппослашга нисбатан қийнашнинг жазолари бир мунча оғирлаштириб берилганлиги маълум бўлди.

Ҳуқуқ ҳимоячилари маълумотларига кўра, 2021 йилда Эронда 15 нафар аёл ўлим жазосига ҳукм қилинган ва қатл ижро этилган. Уларнинг кўпчилиги ўзига нисбатан зўравонлик қилган эрини ўлдиришда айбланган.

«Қатл этилган аёллар сонининг ўсиши жиддий хавотир уйғотади», дейди Iran Human Rights директори Маҳмуд Амирий Моғҳаддам.

Ташкилот маълумотларига кўра, фақат шу йилнинг ўзида камида 15 нафар, 2010 йилдан бери эса камида 170 нафар аёл қатл этилган. Ҳуқуқ ҳимоячиларининг фикрича, Эрон суд тизими аёлларни камситади: масалан, жиноий жавобгарликка тортиш ёши қизлар учун 9 ёш, ўғил болалар учун эса 15 ёш этиб белгиланган. Аёллар кўрсатмалари эркакларнинг сўзларига қараганда камроқ ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, хорижий давлатларда аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларни олдини олишда нафақат қонунчилик асослари, балки жамоатчилик назорати, илмий тадқиқотлар жуда муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. Андреева А. В. УБИЙСТВА, СОВЕРШАЕМЫЕ ЖЕНЩИНАМИ: ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ И ПРОФИЛАКТИКА //Устойчивое развитие науки и образования. – 2020. – №. 3. – С. 112-115
2. Андреева А. В. УБИЙСТВА, СОВЕРШАЕМЫЕ ЖЕНЩИНАМИ: ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ И ПРОФИЛАКТИКА //Устойчивое развитие науки и образования. – 2020. – №. 3. – С. 112-115
3. Ахъядов Э.С. Анализ структуры женской преступности [Электронный ресурс] // Молодой ученый. 2015. № 21. С. 561-564
4. Лавриненко А.А. Преступность «с женским лицом»: печальная статистика или закономерности развития? // Общество и право. Научно-практический журнал. 2017. № 3 (21). С. 201-203
5. ДАВЫДОВА Е. И. Зарубежный опыт профилактики насильственной преступности среди женщин в современной России //Стратегические направления противодействия преступности на национальном и транснациональном уровнях. – 2020. – С. 201-204
6. <https://kun.uz/news/2021/12/17/toqqiz-yoshdan-jinoiy-javobgarlik-yil-boshidan-beri-eronda-kamida-15-ayol-qatl-etilgan>.